

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

144-12-217-SES/2022-

2022 й. «22» 9

сон

Хива ш.

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ» номидан низом асосида иш юритувчи, раҳбари Улуғбек Олимов бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Хива Пирнаҳос Курилиш» ХК номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари Қудрат Худобергано­виккинчи томондан «Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ» биносини жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

-**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синовии тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

-**курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади;

-**вак­тин­ча­лик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

-**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-**шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ биносини жорий таъмирлаш» жуда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 75 000 000 (Етмиш беш миллион) сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно: - курилиш қийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва

- бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
 - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;
 - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;
 - қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
 - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
 - қурилиш майдони қуриқлианишини таъминлаш;
 - қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим қилади.
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.
10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари рўхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга қиради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради
15. Объектни 2022 йил «11» Октябрь фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдоридан аванс утказади, бу 22 500 000 (Йигирма икки миллион беш юз минг) сумни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблаглар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблаглар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур булган материаллар, техника

ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охириги кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос булади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизмаглар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қура вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қурайдиган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қурадиган даражада бузилганда; қонун хужжатларига мувофик бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қурилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда; қонун хужжатларига мувофик бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қурилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунида, жавобгарҳисобланади.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судга мувофиқ қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

50. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий ҳисобланади.
52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.
54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.
55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
56. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначилиқдан руйхатдан утгандан кейин юридик кучга киради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.
57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб 3 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР

58. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга қарши бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди яъни томонлар бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиш лозим.
Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниши қафолатлайди.
59. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолда ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериш ёки ўз фикрини билдириш мумкин.
60. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш уқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ. ПУДРАТЧИ: БУЮРТМАЧИ:


Хива Пирнаҳос Курилиш ХК
Манзили: Урганч шаҳар Досов
Тел/факс : 90-725-46-28
х/в : 20208000604386746001
Банк номи : Тошкент ш. "Узсаноатқурилишбанк" АТБ
МФО : 00440 СТИР : 205469094

Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ
Манзил: Хива шаҳар Кўҳна Хива кўчаси 252-уй
Тел/факс 55-601-34-22
х/в: 100022860334067074110054001
бюджетдан маблағ олувчи СТИР и 305077478
ОКОНХ 71200
Ғазначилик булинмаси номи: Молия Вазирлиги
Ғазначилиги
Ғазна х/в : 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО 00014
Ғазначилик булинмаси СТИР и 201122919
Бўлим бошлиғи: У.Х.Олимов

Раҳбар: К.С. Худоберганов



(имзо)



М.Ў.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№

1. Loyiha turi: Shartnoma
2. Loyiyaning nomi: Pudrat shartnomasi to'g'risida

Xiva shahar SEO va JSX bo'limi hamda "Xiva pirnaxos qurilish" x/k o'rtasida pudrat shartnomasi to'g'risida

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Xiva shahar SEO va JSX bo'limi tomonidan 2022-yil 21-sentabr kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik xizmat
ko'rsatish markazi boshlig'i**

D.Razzakov



2022-yil 22-sentabr

Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ойлар давомида молиялаштириш


ГРАФИГИ

(млн.сўм)

Т/р	Объект номи ва манзили	Ҳажм бирлигининг қиймати	2022 йил учун молиялаштириш қиймати												
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак			
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ биносини жорий таъмирлаш	75 000 000,0										22 500 000,0	52 500 000,0		



Буюртмачи:
Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ



Пудратчи:
Хива Цирнақос Қурлиқ ХК

Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ойлар давомида ишларни бажариш

ГРАФИГИ

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг қиймати	2022 йил учун бажариш қиймати															
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ						
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр				
			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15				
1	Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ойлар давомида ишларни бажариш	3																
		75 000 000,0															22 500 000,0	52 500 000,00

(МИНГ. СЎМ)

Буюртмачи:

Хива шаҳар СЭО ва ЖСХБ



Пудратчи:

Хива Пирнахос Қурилиш ЖК



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН ХОРЕЗМСКАЯ ОБЛАСТЬ ГОРОД УРГЕНЧ
ЧП «ZIYO-NUR LOYINA»

РАБОЧИЙ ПРОЕКТ

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ЗДАНИЕ "СЭО И ЖСХБ" В
ГОРОДЕ ХИВЕ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

СМЕТНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ

ДИРЕКТОР ПРОЕКТНОЙ
ОРГАНИЗАЦИИ
ЧП «ZIYO-NUR LOYINA»



ХУДАЙБЕРГАНОВ З.

г. Ургенч – 2022 г.

РАСЧЕТНАЯ СТОИМОСТЬ ОБЪЕКТА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ

ХОРАЗМ ВИ.ЛОЯТИ ХИВА ШАХРИДАГИ СЭО ВА ЖСХБ БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ

№, № ПП	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	Цена (тыс. сум)
1	2	3
1	ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЬ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 2%	13 056,000
2	ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬСКО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ - 4%	39 550,594
3	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ 12% (15172,82)	9 104,220
4	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ (С УЧЕТОМ ЗАРОБОТНОЙ ПЛАТЫ МАШИНИСТОВ)	19,037
5	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА - 0%	0,000
6	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА -15,51 %	7 549,314
7	ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ - 0,32%	221,693
8	ЗАТРАТЫ ДЛЯ УЧЕТА КОЭФФИЦИЕНТА РИСКА, ОПРЕДЕЛЯЕМОГО ИСХОДЯ ИЗ ПРОГНОЗИРУЕМОГО ИНДЕКСА РОСТА ЦЕН В СТРОИТЕЛЬСТВЕ	1,00
9	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ	69 500,859
10	НДС -15%	10 425,129
11	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С УЧЕТОМ НДС	79 925,988
12	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ЗАКАЗЧИКА - ФАКТ	1 000,000
13	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС И ПРОЧИМИ ЗАТРАТАМИ И РАСХОДАМИ ЗАКАЗЧИКА	80 925,988

ИСПОЛНИТЕЛЬ



ЗАКАЗЧИК

